

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД-5313000-2.38
2021 йил "04" 06

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
121 -сонли буйруғи
2021 йил "04" 06



**ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ. ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ
МОДУЛ ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 500 000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510 000 – Соғлиқни сақлаш

Таълим йўналиши: 5313000 – Биотиббиёт муҳандислиги

ТОШКЕНТ – 2021

Тузувчилар:

Ботиров М.Т. – ФЖСТИ, Биофизика ва ахборот технологиялари кафедраси доценти, PhD.

Эшонов Р.М. – ФЖСТИ, Биофизика ва ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси.

Такризчилар:

Холиддинов Х. – ФЖСТИ, Биофизика ва ахборот технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси.

Рахмонов О.К.– Фарғона политехника институти “Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги” кафедраси мудири, т.ф.н.

Модул дастури Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида ишлаб чиқилган.

Модул дастури ФЖСТИ Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил “ _____ ” _____ даги “ _____ ” – сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил “ _____ ” “ _____ ”–сонли баённома билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “ _____ ” _____ даги “ _____ ” – сонли буйруғининг _____ – иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

I. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Фуқаро муҳофазаси модули тиббиёт фанлари тизимида, халқ хўжалигида ва соғлиқни сақлашдаги ўрни катта. Бу модул услублари ёрдамида аҳолига атроф-муҳит ва инсон организмига табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазият таъсирини ўрганиш услубларини ишлаб чиқишда аҳамиятли. Шу усулларни қўллаш билан инсон саламатлигини сақлаш, фавқулотда вазиятда аҳолини ҳимоя қилиш ва фавқулотда вазият оқибатини бартараф этишга ёрдам беради. Қилинган ишлар натижалари асосида қоидалар ишлаб чиқарилади ва амалиётга тадбиқ қилинади.

«Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Фуқаро муҳофазаси» модули умумкасбий модуллар блокига киритилган. «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Фуқаро муҳофазаси» фани тиббий-ижтимоий фанлар туркумига киради ва барча тиббий бакалаврият таълим йўналишларида ўқитилади. Мазкур модул бошқа тиббий фанларнинг назарий ва услубий асосига таяниб, ўз ривожига барча йўналишдаги тиббий фанлар ютуқларидан фойдаланади.

Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

2.1. Модулнинг мақсад – талабаларда ҳозирги даврда содир бўлаётган табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг аҳоли соғлиғига, халқ хўжалиги объектларига, давлатнинг иқтисодиётига таъсирини; радиацион, кимёвий қидирув ва дозиметрик асбоблар тузилишини; жабрланган аҳолига ўз вақтида турли хилдаги тиббий ёрдамни кўрсатишни; даволаш муассасаларни ва тиббиёт ходимларни доимий шай ҳолатда бўлишини; яққа ва умумий муҳофазаланиш воситаларни тушунтириш.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, фавқулотда вазиятлардаги ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

2.2. Модулнинг вазифалари:

- тиббий, техноген ва экологик тўсдаги фавқулодда вазиятларни билиш;
- фавқулодда вазиятларда аҳолини ўз вақтида муҳофазалаш моҳиятини билиш;
- яққа ва умумий муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланишни ўрганиш;
- кўп содир бўладиган табиий офатлар ва уларнинг оқибатини билиш;
- радиацион ва кимёвий вазиятлар содир бўлиши ва оқибатини билиш.
- фуқаро муҳофазаси хабар сигнали берилганда тўғри ҳаракат қилишни билиш.
- радиацион, кимёвий қидирув ва дозиметрик асбобларни ишга тайёрлашни ўрганиш.
- аҳолини, ишчи – хизматчилар фавқулоддаги вазият ўчоғларидан эвакуация қилишнинг моҳиятини билиш.
- эвакуация ташкилотларини билиш.
- жабрланиш ўчоғларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўрганиш.
- Фуқаро муҳофазаси ва фуқаро муҳофазасининг тиббий ҳизматида тиббий ёрдам хилларини ва куч воситаларини билиш.

-Кучли таъсирловчи захарли моддаларни ва ундун ҳимояланишни билиш.

Эпидемияга қарши курашувчи ФМТХ кучлари тўғрисида тасаввурларга эга бўлиш.

2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

- аҳоли ҳаёт фаолияти хавфсизлигига таъсир қилувчи омиллар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва организмга патологик таъсири ҳақида;
- оммавий қирғин қуроллари таъсирида вужудга келган салбий омиллар мажмуаси таъсирида организмда кечадиган патологик ҳолатларни олдини олиш ёки таъсир оқибатини камайтириш учун олиб бориладиган ишлар ҳақида;
- табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятда жабрланган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва ўчоқни бартараф этиш учун фуқаро муҳофазасининг тиббий хизмати куч ва воситаларини, зарурий мол – мулк билан таъминоти ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**
- аҳоли ҳаёт фаолияти хавфсизлигига таъсир қилувчи омилларни;
- радиацион, кимёвий ва биологик вазият устидан асбоблар ёрдамида кузатишни;
- лаборатор назоратни олиб боришни, маълумотларни қайд этиш ва таҳлил этишни;
- фавқулодда вазият ўчоғида фуқаро муҳофазаси усулларини қўллашни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- аҳоли ҳаёт фаолиятига хавф туғилганда, фавқулодда вазиятда тўғри қарор қабул қилиш, аҳолини тинчлантириш ва аниқ ҳаракат қилишга ўргатиш;
- шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш;
- шахсий тиббий воситаларидан фойдаланиш;
- биринчи тиббий ёрдам ва биринчи шифокор ёрдамини кўрсатиш;
- санитар пост, санитар дружиначи, санитар дружиначилар отряди ишига раҳбарлик қилиш;
- дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш гуруҳида шикастланган аҳолига биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш **амалий кўникмаларига эга бўлиши керак.**

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

5-семестр

1-мавзу. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш асослари. Тинчлик ва ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш даврида фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари, мазмуни. Ишлаб чиқаришда фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган асосий қонунлар, стандартлар, низомлар, қоидалар ва меъёрий ҳужжатлар тизими. Фавқулодда вазиятлар тушунчаси ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари, фавқулодда вазиятларнинг турлари. Фуқаро

муҳофазасининг мақсади, вазифалари, куч ва воситалари, унинг иқтисодиёт тармоқларида ташкил этиш тартиблари.

2-мавзу. Табиий тусдаги фавқулотда вазиятларда (табиий офатлар) фуқаро муҳофазаси. Геологик, гидрометеорологик хавфли ҳодисалар. Қурғоқчилик ва ёнғинларда фуқаро муҳофазаси. Зилзилалар, ер сурилиши. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир захарли моддаларнинг ажралиб чиқиши). Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар. Ҳавфли эпидемияларнинг тарқалиши. Радиоактив манбалардаги аварияларда фуқаро муҳофазаси.

3-мавзу. Фавқулотда вазиятларда аҳолини шахсий муҳофаза воситалари Фавқулотда вазиятларда аҳолини шахсий тиббий муҳофаза воситалар ва улардан фойдаланиш. Фуқароларни фавқулотда вазиятлардан ҳимоя қилиш. Фавқулотда вазиятларда аҳолини муҳофаза иншоотлари. Фуқаро муҳофазаси тиббий хизматининг вазифалари ва ташкилий тузилиши. Фавқулотда вазиятларда шикастланган фуқароларни даволаш эвакуация тадбирларини ташкиллаштириш. Ядровий шикастланиш ўчоғининг тиббий - тактик тавсифи. Ядровий портлаш омиллари. Жабрланиш зоналари тавсифи. Кимёвий шикастланиш ўчоғининг тиббий - тактик тавсифи. Жанговар захарловчи кимёвий моддаларнинг клиник (токсикологик) таснифи ва таъсир механизми. Биологик шикастланиш ўчоғининг тиббий-тактик тавсифи. Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

8-семестр

4-мавзу. Шикастланиш ўчоқларда дастлабки тиббий ёрдамни ташкил қилиш. Шикастланган ўчоқлардан олиб чиқилган ярадор ва беморларга биринчи шифокор ёрдамни ташкиллаштириш. Биринчи тиббий ёрдам ҳақида умумий маълумотлар. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тартиб-қоидалари. Электр токидан жароҳатланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш. Жароҳатланиб хушдан кетганда биринчи ёрдам. Зарарланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш. Жароҳатланиб хушдан кетганда. Манекен-тренажёрда тажриба иши. Зарарланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш. Синганда, бўғимлар чиққанда, пайлар чўзилганда биринчи ёрдам кўрсатиш. Куйганда биринчи ёрдам кўрсатиш Қон кетганда биринчи ёрдам кўрсатиш.

5-мавзу. Малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ташкил қилиш. Республикада ҳалокатлар тиббий хизматининг ташкил этилиши ва унинг асосий вазифалари. Жабрланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг тартиб ва қоидалари.

3.2. Модулдаги амалий ва лаборатория машғулотлар мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

3.2.1. Амалий машғулотларнинг мавзулар рўйхати:

5-семестр

1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш асослари.
2. Тинчлик ва ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш даврида фавқулотда вазиятларда фуқаро муҳофазаси.
3. Табиий тусдаги фавқулотда вазиятларда (табиий офатлар) фуқаро муҳофазаси.
4. Геологик, гидрометеорологик хавфли ҳодисалар. Қурғоқчилик ва ёнғинларда фуқаро муҳофазаси.
5. Фавқулотда вазиятларда аҳолини шахсий муҳофаза воситалари (ШМВ).
6. Фавқулотда вазиятларда аҳолини шахсий тиббий муҳофаза воситалар (ШТМВ) ва улардан фойдаланиш.
7. Фавқулотда вазиятларда аҳолини муҳофаза иншоотлари.
8. Фуқаро муҳофазаси тиббий хизматининг (ФМ Т/Х) вазифалари ва ташкилий тузилиши.
9. Фавқулотда вазиятларда шикастланган фуқароларни даволаш эвакуация тадбирлари (ДЭТ)ни ташкиллаштириш.
10. Ядровий шикастланиш ўчоғининг (ЯШЎ) тиббий - тактик тавсифи.
11. Ядровий портлаш омиллари. Жабрланиш зоналари тавсифи.
12. Кимёвий шикастланиш ўчоғининг (КШЎ) тиббий - тактик тавсифи.
13. Жанговар захарловчи кимёвий моддаларнинг (ЗКМ) клиник (токсикологик) таснифи ва таъсир механизми.
14. Саноатда ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган захарли кимёвий моддаларнинг (ЗКМ) таснифи ва таъсир механизми.
15. Биологик шикастланиш ўчоғининг (БШЎ) тиббий-тактик тавсифи.

8-семестр

16. Шикастланиш ўчоқларда дастлабки тиббий ёрдамни ташкил қилиш.
17. Шикастланган ўчоқлардан олиб чиқилган ярадор ва беморларга биринчи шифокор ёрдамини ташкиллаштириш.
18. Малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамини ташкил қилиш.

3.2.2. Лаборатория маишулотларининг мавзулар рўйхати:

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган

3.2.3. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:

Модул давомида эгалланадиган амалий кўникмалар рўйхати:

- Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш асосларини.
- Тинчлик ва ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш даврида фавқулотда вазиятларда фуқаро муҳофазасини.
- Табиий тусдаги фавқулотда вазиятларда (табиий офатлар) фуқаро муҳофазасини.
- Геологик, гидрометеорологик хавфли ҳодисалар. Қурғоқчилик ва ёнғинларда фуқаро муҳофазасини.
- Фавқулотда вазиятларда аҳолини шахсий муҳофаза воситаларини.
- Фавқулотда вазиятларда аҳолини шахсий тиббий муҳофаза воситалар ва улардан фойдаланишни.

- Фавқулотда вазиятларда аҳолини муҳофаза иншоотларини.
- Фуқаро муҳофазаси тиббий хизматининг вазифалари ва ташкилий тузилишини.
- Фавқулотда вазиятларда шикастланган фуқароларни даволаш эвакуация тадбирларини ташкиллаштиришни.
- Ядровий шикастланиш ўчоғининг тиббий - тактик тавсифини.
- Ядровий портлаш омиллари. Жабрланиш зоналари тавсифини.
- Кимёвий шикастланиш ўчоғининг тиббий - тактик тавсифини.
- Жанговар захарловчи кимёвий моддаларнинг клиник (токсикологик) таснифи ва таъсир механизмини.
- Саноатда ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган захарли кимёвий моддаларнинг таснифи ва таъсир механизмини.
- Биологик шикастланиш ўчоғининг тиббий-тактик тавсифини.
- Шикастланиш ўчоқларда дастлабки тиббий ёрдамни ташкил қилишни.
- Шикастланган ўчоқлардан олиб чиқилган ярадор ва беморларга биринчи шифокор ёрдамни ташкиллаштиришни.
- Малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ташкил қилишни.

Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:

1. УК 1¹. Абстракт фикр юритиш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;
2. УК 2. Дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий билимларнинг асосларидан фойдаланиш қобилияти;
3. УК 3. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти, қабул қилинган қарорлар учун ижтимоий ва ахлоқий жавобгарликни олишга тайёрлик;
4. УК 4. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишга, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайёрлик;
5. УК 5. Фавқулотдаги вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, химоя усулларини қўллашга тайёрлик;
6. УК 6. Фавқулотда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, химоя усулларини қўллашга тайёрлик;
7. УКК 1². Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот, библиографик манбалар, биотиббиёт терминологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга тайёрлик;
8. УКК 2. Профессional фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун оғзаки ва ёзма равишда рус ва хорижий тилларда мулоқот қилишга тайёрлик;
9. УКК 3. Тиббий ҳужжатларни юритишга тайёрлик;
10. УКК 4. Беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва дастлабки тиббий санитар ёрдам кўрсатишни таъминлашга тайёрлик;
11. УКК 5. Тиббий ёрдам кўрсатишда кўзда тутилган тиббий асбоблардан фойдаланишга тайёрлик.

¹УК- умумий компетенция

¹УКК – умумий касбий компетенция

4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар:

4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:

5-семестр

1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари, мазмуни.
2. Ишлаб чиқаришда фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган асосий қонунлар, стандартлар, низомлар, қоидалар ва меъёрий ҳужжатлар.
3. Фавқулодда вазиятлар тушунчаси ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Фавқулодда вазиятларнинг турлари.
4. Фуқаро муҳофазасининг мақсади, вазифалари, куч ва воситалари, унинг иқтисодиёт тармоқларида ташкил этиш тартиблари.
5. Зилзилалар, ер сурилиши.
6. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар.
7. Кимёвий ҳавфли объектларда авария ва фалокатлар.
8. Портлаш ва ёнғин ҳавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар.
9. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар.
10. Ҳавфли эпидемияларнинг тарқалиши.
11. Радиоактив манбалардаги аварияларда фуқоро муҳофазаси.
12. Фуқароларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш услублари ва воситалари, уларнинг хусусиятлари.
13. Фавқулодда ҳолатларда қутқарув ва бошқа шошилиш ишларини ташкил этиш.
14. Фуқароларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш услублари ва воситалари, уларнинг хусусиятлари.
15. Сақловчи муҳофаза воситалари ишчиларни нур, иссиқлик ва механик жароҳатлардан шахсан сақлаш вазифасини.
16. Муҳофаза кўзойнақлари, противогазлар, махсус кўлқоплар.
17. Фавқулодда вазиятларда аҳолини муҳофаза иншоотлари бинолар, иншоотларни ва бошқа объектларни қуриш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир лойиҳа ҳужжатларининг хавфсизлик талабларига риоя қилиниш.

8-семестр

18. Бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш асослари.
19. Республикада ҳалокатлар тиббий хизматининг ташкил этилиши ва унинг асосий вазифалари.
20. Жабрланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг тартиб ва қоидалари.
21. Фавқулодда бўлган табиий офатларни мумкин қадар олдини олиш ёки маълум даражада уларнинг зарарини камайтириш.

22. Аҳолини умумий ва якка муҳофазаланиш воситалари билан таъминлаш тадбирларини ўтказиш.

23. Аҳолининг ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтидаги ёки шу ҳаракатлар оқибатидаги ҳаёт фаолиятини таъминлаш.

24. Радиацион, биологик вазият устидан кузатиш ва лаборатория назорати олиб бориш.

25. Ядровий портлаш вақтида қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш.

26. Теварак атроф табиий муҳитга таъсир қилувчи захарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл кўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ микдорда санитария-химоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий ҳавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Фуқаро муҳофазаси” модулида курс иши режада кўзда тутилмаган.

Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Фуқаро муҳофазаси модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғ талабаларга эълон қилинади. Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);
- якуний назорат (ЯН) - синов.

Модулга ажратилган 2 кредитни талаба ЖН давомида йиғади. 5-семестр якунида синов, 8-семестр якунида ёзма тест топширилади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Тиббиёт касбига кириш модули бўйича ЖН оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар ечиш, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси,

компетенцияларни эгаллаш (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Талаба 1 семестрда белгиланган кредитларни тўплаб, синовли вазифани саралаш (ўтиш) баллидан юқори топширганда 2 семестрга ўтади ва ундан кейин 2 семестрдан белгиланган кредитларни тўплагандагина якуний назоратга киритилади.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида модул бўйича жорий назоратда саралаш баллидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Модул бўйича талаба рейтинг қуйидагича аниқланади:

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи		Баҳо	Таърифи
86-100	А	"аъло" – аъло натижа, минимал ҳатоликлар билан	-модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; -терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; -муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши; -модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши; -ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши; -амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва -компетенцияларни тўлиқ эгаллаши; амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;	5	аъло

			<p>-модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши;</p> <p>-модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши;</p> <p>-назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил катнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
81-85	В	"жуда яхши" – ўртадан юқори натижа, айрим ҳатоликлар билан	<p>-модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;</p> <p>-терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>-ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>-модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>-стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>-амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва</p> <p>-компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>-модул дастурида тавсия килинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>-назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил катнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>	4	яхши
71-80	С	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан	<p>-модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>-терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>-ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта</p>		

			<p>олиши;</p> <p>-модулнинг таянч тушунчаларини билиши, киска вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>-стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>-амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>-амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>-модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>-ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>-назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;</p>		
60-70	D	"қоникар-ли" – сушт натижа, кўпол камчиликлар билан	<p>-давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>-терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>-амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>-компетенцияларни мустақил, аммо ҳатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>-модулнинг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>-педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>-ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>-назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>	3	Қони-карли
55-59	E	"ўрта" – минимал натижага тенг	<p>-давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қоникарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>-терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим кўпол хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>-жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда</p>		

			<p>ва ҳатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намоён этиши;</p> <p>-амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва ҳатолликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>-компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатолликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>-педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>-ўқиётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини аниқлаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>-назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
31-54	FX	"қоникарсиз" – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	<p>-давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;</p> <p>-илмий терминларни ишлата олмася ёки жавоб беришда жиддий мантикий ҳатоларга йўл қўйса;</p> <p>-назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса;</p> <p>-амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмася, ўз ҳатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмася.</p>	2	Қони карсиз
0-30	F	"мутлоқ қоникарсиз" – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим	<p>-давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;</p> <p>-терминларни ишлата олмася ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантикий ҳатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермася;</p> <p>-назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармася;</p> <p>-амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмася, ўз ҳатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмася.</p>		

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)

ЖНга ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган талаба ЯНга киритилади. ЯН модул якунида ёзма тест шаклида ўтказилади.

ЯНда саралаш балини (55) йиғолмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади (ЖНда тўлиқ кредитни йиғган бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний

назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний нazorat натижалари бекор қилинади ва якуний нazorat қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний нazoratни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида якуний нazoratда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба нazorat натижаларидан норози бўлса, модул бўйича нazorat тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида ҳулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички нazorat ва мониторинг бўлими томонидан нazorat қилинади.

Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбалари.

5.1. Асосий адабиётлар:

1. Рустамова Х.Е., Махсумов М.Дж., Туймачев Ў.А. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Фуқаро муҳофазаси. Дарслик.- Тошкент. «Тафаккур-Бўстони» - 2018 й.
2. Рустамова Х.Е., Махсумов М.Дж., Туймачев Ў.А. Фуқаро муҳофазаси ва фуқаро муҳофазаси тиббиёт хизмати. Ўқув қўлланма. Тошкент. «Тафаккур-Бўстони» - 2018 й.
3. Тожиев М., Нигматов И. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Тошкент. «Тафаккур-Бўстони» - 2012 й.
4. В.Н.Завялов.Гражданская оборона. Учебник. Москва, “Медицина”. 1989

5.2. Қўшимча адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. 2017 й, 104 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйи.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизнинг мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. 2017 й, 488 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйи.
3. Мирзиёев Ш.М. эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. 2016 й, 56 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот

агентлигининг “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйи.

4. “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2000 йил 26 май.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фавқулодда вазиятларни олдини олиш давлат тизими тўғрисида”ги № 558 қарори. Т:1997-йил.

6. Фавқулодда вазиятдан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари. ЎРФВВ. Фуқаро муҳофазаси институти. Тошкент-2000 й.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш тўғрисидаги фармон, қарор ва бошқа меърий ҳужжатлари

8. Саидов Б.М., Хабибуллаева В.Н., Саидов Б.Б., Ишхўжаева В.Б., Ҳакимжонова В.Б., Саидова СҲ.Б. “Фуқаролар муҳофазаси ва унинг тиббий хизмати” -Тошкент, 2006 й.

9. Основк организации защитк населения и территории черезвкчайнкх ситуаций мирного и военного времени. А.В.Матвеев, А.И.Коваленко. Санкт-Петербург – 2007 г.

10. Мухиддинов Р.У., Тожибаев Н.С. “Фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдам кўрсатиш”-Наманган, 2002й.

11. Фавқулоддаги вазиятларда тиббий ёрдамни ташкиллаштириш бўйича услубий ва норматив тўплам. ЎзР ССВ, Шошинч тиббий ёрдам Респ.Маркази, Тошкент, Ибн Сино, 1997й.

12. Фавқулоддаги вазиятларда шошинч тиббий ёрдам ташкил этиш юзасидан услубий ва норматив материаллар тўплами. Тошкент, Ибн Сино, 1997й.

13. Хабибуллаев И.Х. “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулоддаги вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш”. Тошкент, «Тафаккур-Бўстони» - 2000 йил.

5.3. Интернет сайтлари:

1. www.med.ru
2. www.tma.uz
3. www.ziyonet.uz
4. www.info@tma.uz
5. www.info.minzdrav.uz

“ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ. ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ” МОДУЛИДАН СИЛЛАБУС

Модулнинг тўлик номи	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Фуқаро муҳофазаси.		
Модул коди:	Кредит ҳажми: 2 кредит Шундан: ЖН – 2 кредит: ЯН – 0 кредит (ўтилиши мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 3-8 семестр	ECTS value: 4
Таълим йўналиши	5313000 – Биотиббидёт муҳандислиги	2,4 босқич бакалаврлари	
Модулнинг	34 ҳафта		

давомийлиги		
Ўқув соатлари хажми:	Жами соат:	72
	Шунингдек:	
	маъруза	10
	амалий машғулот	44
	лаборатория иши	-
мустақил иш	18	
Ўқув модулининг статуси	Умумқасбий модулар блоки	
ОТМ номи, манзили		
Кафедра номи		
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Маърузачиларнинг Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:
Машғулот вақти ва жойи		
Модулнинг мазмуни	<p>Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Фуқаро муҳофазас” модули тиббий-ижтимоий модулар туркумига киради ва барча тиббий бакалаврият таълим йўналишларида ўқитилади. Мазкур модул бошқа тиббий фанларнинг назарий ва услубий асосига таяниб, ўз ривожига барча йўналишдаги тиббий модулар ютуқларидан фойдаланади.</p> <p>Модулни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар, компьютер дастурлари, электрон материаллардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади.</p>	
Пререквизитлар	Биология, кимё, физика, биофизика, анатомия, физиология, ички касалликлар, травматология, жаррохлик, модуллари назарий қисми ҳисобланади.	
Постреквизитлар	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Фуқаро муҳофазас” модули умумқасбий модулар учун назарий ва амалий замин бўлиб хизмат қилади, махсус модуллари ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал касбий билимларни, амалий кўникма ва компетенцияларни шакллантиради.	
Модулнинг мақсади	<p>-аҳоли ҳаёт фаолиятига хавф туғилганда, фавқулудда вазиятда тўғри қарор қабул қилиш, аҳолини тинчлантириш ва аниқ ҳаракат қилишга ўргатиш;</p> <p>- бошқарув жараёнига баҳо бера оладиган, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамни ташкил этиш буйича назарий, илмий - амалий ва услубий билимларга эга бўлган мутахассисни (умумий амалиёт шифокор) тайёрлашдир.</p>	
Модулнинг вазифалари	<p>- талабаларда ҳозирги даврда содир бўлаётган табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулудда вазиятларнинг аҳоли соғлигига, халқ хўжалиги объектларига, давлатнинг иқтисодиётига таъсирини;</p> <p>- радиацион, кимёвий кидирув ва дозиметрик асбоблар тузилишини;</p> <p>-жабрланган аҳолига ўз вақтида турли хилдаги тиббий ёрдамни кўрсатишни;</p> <p>- даволаш муассасаларни ва тиббиёт ходимларни доимий шай ҳолатда бўлишини;</p>	

	<ul style="list-style-type: none"> - якка ва умумий муҳофазаланиш воситаларни тушунтириш; - соғлом турмуш тарзини аҳолига тадбиқ этиш чораларини ўргатишдир.
Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	<ul style="list-style-type: none"> – аҳоли ҳаёт фаолияти хавфсизлигига таъсир қилувчи омиллар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва организмга патологик таъсири ҳақида; – оммавий қирғин қуроллари таъсирида вужудга келган салбий омиллар мажмуаси таъсирида организмда кечадиган патологик ҳолатларни олдини олиш ёки таъсир оқибатини камайитириш учун олиб бориладиган ишлар ҳақида; – табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулотда вазиятда жабрланган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва зарарланган ўчоқларни бартараф этиш учун фуқаро муҳофазасининг тиббий хизмати куч ва воситаларини, зарурий мол – мулк билан таъминоти ҳақида тасаввурга эга бўлиши; – аҳолини соғлом турмуш тарзига таъсир қилувчи омилларни; – радиацион, кимёвий ва биологик вазият устидан асбоблар ёрдамида кузатишни; – лаборатор назоратни олиб боришни, маълумотларни қайд этиш ва таҳлил этишни; – фавқулотда вазият ўчоғида фуқаро муҳофазаси усулларини қўллашни билиши ва улардан фойдалана олиши; – аҳоли ҳаёт фаолиятига хавф туғилганда, фавқулотда вазиятда тўғри қарор қабул қилиш, аҳолини тинчлантириш ва аниқ ҳаракат қилишга ўргатиш; – шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш; – шахсий тиббий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш; – биринчи тиббий ёрдам ва биринчи шифокор ёрдамини кўрсатиш; – санитар пост, санитар дружиначи, санитар дружиначилар отряди ишига раҳбарлик қилиш; – дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш гуруҳида шикастланган аҳолига биринчи шифокор ёрдамини кўрсатиш; – радиацион, кимёвий ва биологик вазият устидан ДП -5 ва ВПХР асбоблари ёрдамида кузатишни. лаборатор назоратни олиб боришни, маълумотларни қайд этиш ва таҳлил этишни. – зарарланган ҳудуддан олиб чиқилган аҳолини қисман ва тўлиқ санитар ишлов беришни. – биринчи тиббий ёрдам ва биринчи шифокор ёрдамини кўрсатиш амалий кўникмаларига эга бўлиши керак.
Таълим бериш усуллари	Маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлар.
Таъминот	Видеофильмлар, мультимедияли ва ўқитувчи компьютер дастурлардан, ўқитиш методикасидаги янги технологиялардан, мавзулар бўйича назарий билимларни сўрашдан фойдаланилади; бакалаврларнинг мустақил иши, индивидуал ва гуруҳли презентациялар, уйга берилган вазифаларни тайёрлаш, рефератлар ёзиш, тестлар, вазиятли масалалар ва бошқалар.

Ўқитиш натижалари:

Модулни якунлаганда талаба билиши керак:

- Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари, мазмунини.
- Ишлаб чиқаришда фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган асосий қонунлар, стандартлар, низомлар, қоидалар ва меъёрий ҳужжатларни.
- Фавқулодда вазиятлар тушунчаси ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини. Фавқулодда вазиятларнинг турларини.
- Фуқаро муҳофазасининг мақсади, вазифалари, куч ва воситалари, унинг иқтисодиёт тармоқларида ташкил этиш тартибларини.
- Зилзилалар, ер сурилишини.
- Сел, сув тошқинлари ва бошқаларни.
- Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатларни.
- Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатларни.
- Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатларни.
- Ҳавфли эпидемияларнинг тарқалишини.
- Радиоактив манбалардаги аварияларда фуқаро муҳофазасини.
- Фуқароларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш услублари ва воситалари, уларнинг хусусиятларини.
- Фавқулодда ҳолатларда кутқарув ва бошқа шошилиш ишларини ташкил этишни.

Модулни яқунлаганда талаба бажара олади:

- Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш асосларини.
- Тинчлик ва ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш даврида фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазасини.
- Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларда (табиий офатлар) фуқаро муҳофазасини.
- Геологик, гидрометеорологик хавфли ҳодисалар. Қўрғоқчилик ва ёнғинларда фуқаро муҳофазасини.
- Фавқулодда вазиятларда аҳолини шахсий муҳофаза воситаларини.
- Фавқулодда вазиятларда аҳолини шахсий тиббий муҳофаза воситалар ва улардан фойдаланишни.
- Фавқулодда вазиятларда аҳолини муҳофаза иншоотларини.
- Фуқаро муҳофазаси тиббий хизматининг вазифалари ва ташкилий тузилишини.
- Фавқулодда вазиятларда шикастланган фуқароларни даволаш эвакуация тадбирларини ташкиллаштиришни.
- Ядровий шикастланиш ўчоғининг тиббий - тактик тавсифини.
- Ядровий портлаш омиллари. Жабрланиш зоналари тавсифини.
- Кимёвий шикастланиш ўчоғининг тиббий - тактик тавсифини.
- Жанговар захарловчи кимёвий моддаларнинг клиник (токсикологик) таснифи ва таъсир механизмини.
- Саноатда ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган захарли кимёвий моддаларнинг таснифи ва таъсир механизмини.
- Биологик шикастланиш ўчоғининг тиббий-тактик тавсифини.
- Шикастланиш ўчоқларда дастлабки тиббий ёрдамни ташкил қилишни.
- Шикастланган ўчоқлардан олиб чиқилган ярадор ва беморларга биринчи шифокор ёрдамини ташкиллаштиришни.
- Малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамини ташкил қилишни.

